

# Рақснинг сеҳрли жозибаси номли маданий тадбир ўтказилди



Термиз тумани Маданият бўлими томонидан куни кеча “Рақснинг сеҳрли жозибаси” номли концерт дастури намойиш этилди. Маданият бўлими санъаткорлари ва раққосалари томонидан ижро этилган жонли қуй-қўшиқлар, миллий ҳамда хорижий рақсларни тадбир иштирокчилари завқ билан томоша қилишди.

Тадбирда Халқ депутатлари туман кенгаши Депутатлари, таълим муассасалари директорлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этишди.

Бу каби концерт дастурлари туман Маданият бўлими жамоаси томонидан доимий равишда ўтказиб келинмоқда.





